

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 15 сентябр жума  
Сотувда эркин нархда № 181 (2478)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

## «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжумани иштирокчиларига

Мухтарам меҳмонлар!  
Қадри дўстлар!  
Сизларни турли дин ва миллатта мансуб инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечираётган, маънавий юксаклик ва диний бағрикенглик қадимдан қарор топган гузал ва бетакрор Ўзбекистон замининда муборакбод этишдан гоёт мамнунман.

Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва аъёнларни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зуравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга.

Бу муборак заминда бизнинг аجدдоларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайд.

Кўп миллатли Ватанимизда бугунги кунда ислом дини вакиллари билан бир қаторда ўн еттига диний конфессия вакиллари ёнма-ён яшаб, ҳамкорлик қилиб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва ахшиликка хизмат қилишдан иборатдир, деган кўҳна ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги қадимий муштарак аъёнларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилда «Бир осмон остида» шиори билан ўтказилган мусулмон ва ҳристиан динлари вакиллари ўртасидаги мулоқот, рус православ черкови Тошкент ва Урта Осиё епархияси ташкил этилганнинг 125 йиллик юбилейи, Ўзбекистон евангелъ-лютеран жамоаси ташкил этилганнинг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу борардаги хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир.

Азиз дўстлар!  
Бугунги кунда одамларнинг динга бўлган самимий иқлос-эътиқодидан ўзининг гаврали ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган қора кўчлар қўллаб-қувватлашга қўлқўллар берилмоқда. Бу барчамизни, энг аввало, сизларни, динни одамлар бахт-саодати ва ёруқ келажак учун хизмат қилдиришни ҳаётининг маъно-маъмуни деб билган инсонларни ташвишга солади, албатта.

Ишончим комилки, дунё жамоатчилиги, сиздек фидойи инсонлар эрслар мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотуликка хизмат қилиб келган динларнинг ёвуз террорчи ва экстремистик кўчлар қўлида қуролга айланб қолишига асло йўл қўймайди.

Дунёдаги энг улуғ ва энг азиз неъмат бўлган тинчликни асраш, бутун башариётни дўстлик ва биродарликка яшашга даъват этиш, одамларни олий мақсадлар сари бошлаш сизларнинг фаолиятингизда ҳам асосий ўрин тутиб келаётгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир инсонда чўқур ҳурмат туйғусини уйғотди.

Ушбу халқаро анжуманинг тинчлик шиори остида, оқсоқуллик, дўстлик ва биродарликни энг олий қадрият сифатида эъзозлаб келаётган Ўзбек диверди, ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтаётгани ҳам сизларнинг бугунги фаолиятингизга берилаётган ўзига хос юксак баҳо, десам муболағи бўлмайди.

Шу билан бирга жаҳондаги қўллаб-қувватлаш ташкилотлари вакиллари, таниқли дин ва маданият намояндалари иштирокида иш бошлалган анжумани ташкилчиларини дунё жамоатчилигининг турли динлар ўртасидаги эзгу интилишларни барча халқларнинг ҳаммаҳкам мақсади бўлган тинчлик, биродарлик ва ҳамжихатликни сақлаш масалаларига қаратаётганидан далолат беради.

Мана шундай олижаноб ишда барчангизга соғлиқ-саломатлик, гайрат-шижоат, анжуман ишига муваффақият тилаймиз.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Қарши шаҳридаги «Санам» тикувчилик фабрикаси вилоятда ташкил этилган дастлабки корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозир фабриканинг вилоятдаги Кироб, Чирочик, Баҳористон туманларида ҳамда Қўқдала шаҳарчасида филиаллари ишлаб турибди. Авваллари фабрикада фақат марказдан юборилган моделлар асосида кийимлар тайёрланар эди. Бугунги кунда шу ернинг ўзида янги моделлар тайёрлаш тажриба чеки мунтазам ишлаб турибди.

Биргина 1999 йилнинг ўзида мазкур цехда 39 та модель, 5 та янги ассортимент тайёрланди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ушбу йилда ҳам жамоа янги-янги андоздаги кийимлар тайёрлаш билан банд. Шу билан биргаликда фабрикада турли ёшдаги эркек ва аёллар учун спорт кийимлари тикилмоқда.

Шунингдек, «Санам»да тикилаётган махсус ишчи кийимларга, асосан, «Шўртангазим» мажмуи, Таллимархон ГРЭС курувчилари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Муборак газ конлари, Бушқармаси, республикадаги савдо ташкилотлари ва Тошкент шаҳридаги матбуот савдо хиссадорлик жамияти харидор бўлмоқда. Россия Федерациясидаги Свердловск шаҳри буюртмачилари ҳам учун кўп миқдорда спорт кийимлари жўнатиляпти.

**СУРАТЛАРДА:** фабриканинг тажриба чеки муdiri Дилбар Турсунова (чапдан) тикувчилар Ла-тофат Фозилова ва Марям Абдулла билан янги маҳсулотни кўздан кечиряпти; янги моделлар трафарети тайёрловчи Зулайхо Раҳматова.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## «САНАМ»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Хорватия Республикаси Президентининг Сизга ва халқингизга гоёт самимий қутловларини, шунингдек давлатингиз ва унинг фуқаролари равақ топишини тилаб билдирган энг эзгу истақларини йўллаётганимдан хурсандман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Степе МЕСИЧ,  
Хорватия Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Ўзбекистон Мустақиллик куни муносабати билан Кувайт халқи ва шаҳсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломат ва бахт-саодат, Сизнинг дўст халқингизга эса бардавом тарққиёт, ва равақ тилаб билдирган гоёт самимий истақларни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Жобир Ал-Аҳмад Ас-САБОҲ,  
Кувайт Давлати Амири.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,  
Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистоннинг барча аҳолисига гоёт самимий қутловлар ва табрикларни йўллаётганимдан астойдил хурсандман. Барча татаристонликлар ва шаҳсан ўз номимдан қардош Ўзбекистон халқига омонлик, тараққиёт ва равақ тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Татаристон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганидан мамнун эканлигимни изҳор қиламан. Биз қардош Ўзбекистон билан муносабатларимизни ишонч ва ҳамжихатликнинг мустаҳкам пойдеворига қураямиз ҳамда самарали ҳамкорлик соҳаларини кенгайтиришга интиляпмиз. Ҳамкорлигимиз Ўзбекистон билан Россия халқларининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли равишда кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверади, деб ишонч билдирisha хоҳажат берайсиз.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, шаҳсан Сизга ва барча ўзбекистонликларга муваффақиятлар, сўхат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истақлар билан,

Минтимер ШАЙМИЕВ,  
Татаристон Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, ҳукуматингиз ва халқингизга ўзимнинг гоёт самимий қутловларини, шунингдек, Сингапур ҳукумати ва халқининг табрикларини йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади. Мамлакатингиз ва халқингизга бундан буён ҳам тараққиёт ва ҳамжихатлик тилаб билдирган энг эзгу истақларимизни лўфтан қабул қилгайсиз.

С.Р.НАТАН,  
Сингапур Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).

## VAZIRLAR MAHQAMASIDA UCHRAVUB

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Хошимийлар подшоҳлиги шаҳзодаси Ҳасан бин Талол Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Утқир Султонов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Иордания ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имкониятлари хусусида фикрлашиб олинди.

## ИОРДАНИЯ ШАХЗОДАСИНING TASHRIFI

Шу кунларда Иордания Хошимийлар подшоҳлиги шаҳзодаси Ҳасан бин Талол мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У ЮНЕСКОнинг Тошкентда ўтказилган «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжуманида иштирок этди ва мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов билан учрашди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашув бўлди. Унда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси иштироки ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг билдирган долзарб тақлифлари алоҳида аҳамият касб этди. Мухбиримизнинг Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ўзининг бошлиғи, педагогика фанлари доктори Мухаммад КУРОНОВ билан қилган суҳбати ана шу ҳақда.

## НЬО-ЙОРҚДАГИ МУЛОҚОТЛАР

### Ўзбекистон қудрати ва салоҳиятини яна бир бор намоён этди

«Мингйиллик саммити» БМТнинг 55 йиллик тарихида муҳим ўрин тутди, — дейди М. Куронов. — Нега? Чунки шу вақтгача ўтказилган анжуманларда бу қадар кўп мамлакатлар иштироки кузатилмаган эди. Қолаверса, ушбу саммитда қўрилган масалалар ўз салмоғи ва аҳамияти жиҳатидан ҳам ажроқлиб туради. Анжуманда муҳокама қилинган масалалар — жаҳонда тинчликни сақлаш, қашшоқлик ва экологик ҳалокатга барҳам бериш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Турли «совуқ уруш» сўхати интиҳо тоғдан инсоният учун бир қадар тинч яшаш имконияти туғилди, деб умид қилинган эди. Бироқ ҳозирда халқаро терроризмнинг юзага келиши, фуқаролар урушлари рўй бераётгани ҳали хотиржам яшашга эрталигини қўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳозир сайёрамизнинг турли жойларида — Жазоирдан то Шри-Ланкагача, Судандан то Чиплалача, Шарқий Тимордан то Сьерра-Лионгача ўтишга яқин қуролли можаролар давом этмоқда.

Шу ўринда зиммасига дунё масъулиятига вазилик қўйилган БМТнинг глобал муаммоларни ҳал этишдаги таъсири сезилмаганини, деган саволнинг ўз номига мос, жамий халқлар манфаатини йўлдоловчи чинакам «наҳот қалъасига» айланади.

Президентимизнинг бу бордаги аниқ тақлиф ва изохлари саммитни мазмун жиҳатидан янада бойитди.

Сиз мамлакатимиз томонидан илгари сурилган тақлифлар хусусида яна нималар дея оласиз?

Биласизми, бу ҳақда қисқача сўзлаш жуда қийин. Бу ўта кўлами кенг масала. Шундай бўлса-да, мен БМТнинг ташкилий тузилишини боқимиз-боқимиз, ислоҳ қилиш қарорлиги хусусидаги конструктив тақлиф энг мақбул йўл эканлигини айтмоқчи эдим.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозир Хавф-хатарларнинг дунё миқёсидаги ҳакамлик қилишдек масъулиятига вазилик қўйилган БМТнинг глобал муаммоларни ҳал этишдаги таъсири сезилмаганини, деган саволнинг ўз номига мос, жамий халқлар манфаатини йўлдоловчи чинакам «наҳот қалъасига» айланади.

Президентимизнинг саммитдаги нутқлари ташқи ва ички мафқуравий таҳдидлар тушунчасини ҳам кенгрок талқин қилишни тақозо этади...

Бўлмасам-чи! Мамлакатимиз раҳбарининг бугун халқроқ терорчилик, экстремизм ва сепаратизмни қўн сайин кенг қўл эъзаётчилиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мазмун моҳиятида мафқуравий кураш полигонлари ҳам ана шундай шиддат билан кенгаётганига ишора бор. Яна бир мулоҳаза. Биласиз, бугун Афғонистонда уруш бошланган кунлари туғилган чақалоқ йигирма яшарлик ўсмирга айланди. Аммо унинг қургани уруш қўн, жаҳолат ва ёвузлик бўлди. Қули қалам, кўтб қўрмади, мактаб, маърифат нима, билмади. Ахир бу қисси йўқ, жаҳолат-ворса, миллат, халқ деган тушунчалар қерда қолди? Ахир бу бугун бир халқнинг таназзулидан дарак эмасми? Айтмоқчиманки, ана шундай халқлар ва таҳликали вазият бугун дунё учун катта сабоқ бўлиши керак.

Негаки, худди ана шундай шиддатлар халқроқ тероризм ва экстремизмнинг кенгайишига шароит яратди. Ушбу анжуманда Президентимиз бунга турри баҳо бериб, дунё сийасатдонлари ва давлат арбобларини огоҳликка даъват этди.

«Халқ суҳбати» мажмуи Фўрат САНАЕВ суҳбатлашди.

## ДИН — ЭЗГУЛИК МАНБАИ

Тошкентда ЮНЕСКО раҳнамолигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзунда динлараро мулоқот халқаро анжумани бошланди. Унда Эрон, Исроил, АКШ, Франция, Россия, Хиндистон, Хитой, Ватикан каби ўттизга яқин мамлакат, шунингдек, халқаро диний муассасалар вакиллари қатнашапти.

Истиқлол байрамининг шукухи босилмасидан мамлакатимизда халқроқ миқёсдаги тадбирлар бошланди. «Юнеско» спорт мажмуида Президент кубоғи учун халқаро теннис мусобақалари ўтаётган бир пайтда мазкур анжуман Ўзбекистон ҳаётига яна муҳим воқеа бўлиб қўшилди. Турли динлар уламолари юртимизда тулланиб, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳар хил диний ва этник адоватларга барҳам бериш, одамлар орасида эзгулик, дўстлик ва биродарлик, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш каби масалалар борасида фикр алмашмоқда.

Миллий комиссия раиси Ҳ. Кароматов очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ЮНЕСКО Бош директори К.Мацуура нутқ сўзлади.

Инсон қадим-қадимдан Худога топиниб келади. Зеро, диний эътиқод кишини поклик, руҳий баркамоллик сари етаклайди. Бироқ, тарихда одамлар ўртасида эътиқод борасида тортишувлар кўп бўлган. Эътиқод боис қон тўкилган, зуравонлик қилинган. Турли диндаги кишиларнинг бири-бири билан тил топишиши ҳар доим ҳам осон кечмаган.

Дин — эзгулик манбаи. Дунда сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Афсуски, дунёнинг турли бурчларида ҳар хил қўпуровчилик ва зуравонликларни амалга ошираётганлар кўпинча ўзларига динни никоб қилиб олаётди. Бу турли диндаги халқлар ўртасида адоватни қўзғаяпти. Шу боис, тинч-тотув ҳаётга раҳна солаётган, барқарорликка путур келтирилган кучларга қарши бағалатга курашмоқ лозим. Аввало, одамларга эзгулик улаш-улаш йўли билан, Дин зулматни ёритувчи зиё каби одамларни ёвузликдан қайтарувчи кунга айланмоғи керак. Ислом ва насронийлик ҳам, мусовийлик, буддизм ва бошқа динлар ҳам бир мақсадга — эзгуликка хизмат қилади.

Юксак мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тошкент Ислом университетини зиёрат қилди.

Ф.САЙДУЛЛАЕВ,  
Ўзад эзгулик.





# Б АҲОР СОҒИНЧИ ЁКИ ЮРАК ЙЎЛАГИ

Авалайда ўзим учун қаралаган — бу икки адабий нарчанинг илк қарашда, бири бирига дахли йўқдек! Нега улар изма-из қозоғга кўчди? — анча ўйладим. Кейин билсам, уларни ТАШАББУС деган бир тушунча бириктирган экан... Дунёда энг ёмон нарса: доккайдик! Қачондир бир шеърда ёзган эканман: Биринчилар билан Иккинчилар жангга кирдилар. Учинчилар эса томондан бўлиб туравердилар.

Учинчилар бизга — биринчи душман!  
Айтмоқчиманки, доккайд бўлмаган инсонда ҳаётга аралашини истаги — ТАШАББУС бўлади. Сўнги пайлар бу ҳақда кўп гапирляпти-ку, лекин яшириб нима қилдим, ўзидан билдиб ташаббус кўрсатаётганлар, ҳаётини эзгулик, гўзаллик томон бошлаётганлар озор! Балки, улар доим кам бўлишадир...

«Истиклол умидлари» деган янги китоб чиқибди. Гулдаста. Асосан, ёшлар ижодидан намуналар! Китоб икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда ўн етти ёш муаллифнинг шеърлари, уч ёш муаллифнинг ҳикоялари берилган. Адабиётда таникли ижодкорларнинг мақолалари ва кичик бир қурашувлар ҳам киритилган, Иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазири, Халқ таълими вазири ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган кўрик-танлов ғолибларининг асарларидан намуналар эълон қилинган. Бу ерда саккиз муаллиф ўз шеърлари, мақолалари, ҳикоялари ва бир қисса билан иштирок этишган.

## Омон МУХТОР

Ёмғир ёғар,  
Йўғлайди булут,  
Фақат шамол  
Эркин елади.  
Ташвишларим  
Бўлади унут,  
Мен онамни  
Кўргим келади...  
Бухоролик Шодмон Сулаймон:

наётган Матбуот қўмитаси, шунингдек, китобга ҳомийлик қилган «Ношир» компьютер маркази ва РАСТР кўшма корхонаси, китобни босиб чиқарган «Чўлпон» нашриётининг бу ташаббусидан қувондим, оддий туюлган бу ишнинг аҳамиятини ҳис этдим.

бўлимида ўқувчига номи кўпдан таниш ижодкорлар. Уларни янги асарлари билан иштирок этган, дейиш тўғрроқ бўлади. Шарифа Салимова, Вафо Файзуллонинг шеърлари, Маъсума Аҳмедова ва Умида Юсупованинг ҳикояларини уларнинг ижодида янги саҳифа, дегим келади. Ҳар ҳолда, шундай деб ўйладим. Камол Матқубнинг бадиаси ва Мухаббат Ҳамидованинг қиссаси ҳам илиқ таассурот қолдирди. Мен бу ижодкорларнинг алоҳида, янги ва янги китоблари чиқишини орозу қилдим.

Бир даврада Бухоро тўғрисида сўз борди. Оддий туюлган шундай бир воқеани гапириб беришди.



Умрбоқий мерос  
СУРАТДА: кўкөнлик ўймакор уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳасанжон Умаров шогирди Фатхуддин Мирзараҳимов билан.

## ЎХИҚМАТ

Яхши билан ёмон ўртасида фарқдир, Икки кеманинг учин тутган зарқдир.

## Абу Райхон БЕРУНИЙ

Тўғри йўлдан атайлаб энг узок йўлга ўтиш жуда зўр ҳатодир.



Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.

## «ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

## Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙЇБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

## БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва харбий-ватанпарварлик — 132-11-15; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

## Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

Газета PENTUM-III компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — Қ. ЭШМАТОВ. Мусаккиб — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.15 1 2 3 4 5 6



## Қадриятларни унутмайлик

қизининг жағри тинмаётгани гашига тега бошлади. Ҳозир қайси ёшнинг қарамағ, оғзида сажғ. Пуфакчалар чиқаришадими-ей. Наҳотки, қизларимиз бу одат уларнинг ҳуснини бузаётганини, латофатини йўқотаётганини сезишмасан? Бизнинг қизларимиз ўзларининг ибоду латофати билан гўзалмасми?

## Гўзаллик НИМАДА? ШУЯМ ГАП БЎЛДИМИ?

Кўча-кўйда ҳар хил воқеаларга, баъзан эса ноҳушликларга дуч келасан. Автобус ўриндирида хаёл суриб кетяпман. Бирдан фикрим бўлиниб, тепамда турган кўҳликгина бир қизга кўзим тушди. Унинг гўзаллигидан завқим келди. Бироқ

## Спорт қитъаси дарақлари

### «ЧЕЛСИ»ГА КИМ МУРАББИЙ БЎЛАДИ?

Лондоннинг «Челси» клуби раҳбарлари бош мураббий, италиялик собиқ футболчи Жанлука Виолини ўз вазифасидан озод этгач, бўш қолган лавозимга турли номзодлар курсатилга бошланди. Англиядаги машҳур букмекерлик идораларининг таҳмини бўйича, бош мураббийлик лавозими, яна бири италиялик футболчи («Челси» ҳужумчиси) Жанфранко Золага насиб қилиши мумкин.

### ЖЧ — 2002 ФИНАЛИ ЙОКОГАМАДА ЎТАДИ

2002 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати Япония ва Кореяда ўтишидан хабарингиз бор. ФИФА раҳбарияти ушбу чемпионат ўйинлари тақвими тасдиқлади. Унга кўра белгиланган 64 та ўрашувнинг тенг ярами Японияда, қолган қисми эса Жанубий Кореяда ўтади. Чемпионатнинг биринчи ўрашуви ва очилиш маросими учун Сеул шаҳри (31 май куни) танланди. Янги асрнинг илк финали эса, 30 июн куни Япониянинг Йокогама шаҳрида ўтади.

ЭЛМУРОД тайёрлади.

## Ўқинг, қизим!

Дунёда бозорлар кўп. Деҳқон бозори, автомобил, нефт, хомашё бозори ва ҳоказо. Сўнги йилларда улар орасига яна бир янги, таъбир жоиз бўлса, кучли ва қиммат бозор қўшилди. Ахборот бозори деб атамоқда-

## РЕЙГАН КИМ БЎЛГАН?

АҚШ собиқ президенти Рональд Рейган ва унинг садокатли рафиқаси Нэнси хоним ўз туяларининг 48 йиллигини нишонладилар. Юбилей кечаси Нэнси хоним шундай деди: «Бу 48 йил эмас, 48 дақиқага ўхшайди. Рональд билан танишганимга қадар ўтган даврда қандай яшаганим ёки у бўлмаганда қандай яшар эдим — ҳозир булар тасаввуримга сиймайди».

## «Интернет» саҳифаларидан...

ганлар. У вақтда уларнинг иккиси ҳам ҳали ном чиқаришга улгурмаган оддий актёрлар эди.

## МАЙКЛНИНГ БОШИ ҚОТДИ

Таникли актёр Майкл Дуглас ўзининг иссиқ чеҳраси ва бетакор санъати билан кўпчиликка яхши таниш. Айни пайтда Европа матбуоти Майкл ва Кэтрин Зета-Женсинг никоҳ арасида тузилаётган ўзаро шартнома устида жанжаллашиб қолгани ҳақидаги маълумотни ёзишмоқда. Маълум бўлишича, ўтган йил Майкл собиқ рафиқаси Диандрага 60 миллион доллар ажрим тўлаган. Актёрнинг янги севгилиси Кэтрин ҳам Диандрадан бўш келмаяпти. Бўлажак малика бойвудга актёрдан биргаликдаги ҳаётларининг ҳар йили учун 4,5 миллион доллар олиш ниятида қатъий турибди.

## ЖУМБОК

Комил ва Салим кўп қаватли битта уйда туришади. Уйдаги ҳар бир йўлакнинг ҳар қаватида 4 тадан хонадон жойлашган. Комил унинг бешинчи қаватида 83-рақамли хонадонда, Салим эса учинчи қаватидаги 169-рақамли хонадонда яшайди. Савол: бу уй неча қаватли?

## ЭНГ КУЧЛИ БОЗОР

Ушбу нима учун бу бозор кучли ва унинг маҳсулоти қиммат? Сабаби оддий: ахборот — бу билим, билим — бу куч, кучли инсон эса доимо музаффардир. Демак, турфа воқеа ва янгиликлардан ўз вақти-

## ОДАМЛАР СЕМИРМОҚДА

Худди шундай маълумотни америкалик олимлар билдиришди. Ундан маълум бўлишича, сайёрамизда аҳолининг ўртача вазни «огир»лашиб бораётган экан. Энг семиз одамлар Америка ва Россияда, энг озгинлари эса Бангладеш ва Ҳиндистонда яшаётган экан. Жумладан, АҚШда аҳолининг 55 фоизи ортиқча вазнга эга. Катта ёшдагиларнинг ҳар тўрт нафаридан бири семириш касалига чалинган.

## Божхона бекати

ҳаракатнинг орқасида муайян жиний гуруҳлар мавжуд. Ҳозир бу борада тергов ҳаракатлари давом этяпти. Агар йирик ҳажмдаги бу гиёҳванд моддалари ўз манзилига етганида қанчадан-қанча одамларнинг ҳаёти хаф остида қоларди. Инсонга яна қанчалар азият, жабр келтиради, ва энг ачинарлиси маънавият кемтиларди. Мазкур жиноят биринчи марта содир этилмаётганини телевидение ва бошқа ахборот воситалари орқали кузатиб борамиз. Шунинг баробарида оқибатларини ҳам. Аслида бутун дунёга ташвиш келтираётгани ҳам унинг мудҳиш оқибатидир. Сурхондарёнинг тоғли худудларида юртимизга сукулиб киришга уринган

Кечаги сонда берилган саволга биринчилар қатори Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Амир Темури кўчаси 1-а уйдан Очил Мустафоев, Шайхонтоҳур туманидан Жавоҳиржон Нарзиллаев ва Наманган вилояти Поп шаҳридан Уктам Норматовлар тўғри жавоб беришди. Тўғри жавоб мана бундай: Хонадонда 1 та мушук, 1 та ит, 1 та тўти бор. Сувараклар эса яхши қуриб асраладиган жониворлар қаторига кирмайди. Энди бугунги жумбоқни хал қилиб, тезроқ сим орқали жавоб йўлашга ҳаракат қилинг. Дастлабки уч кишининг номини кейинги сонда маълум қиламиз. (Тел: 136-35-60).